

**Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий
таърифи**
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 9077 тани ташкил қилиб, шундан 8745 таси ёки 96,3 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 1832 та (20,2 фоизи), саноат 1408 (15,5 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 829 та (9,1 фоизи) ва қурилиш 823 та (9,1 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	9077	100,0	8745	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	829	9,1	808	9,2
саноат	1408	15,5	1339	15,3
қурилиш	823	9,1	802	9,2
савдо	1832	20,2	1759	20,1
ташиш ва сақлаш	324	3,6	316	3,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	602	6,6	576	6,6
ахборот ва алоқа	127	1,4	121	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	336	3,7	334	3,8
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	2796	30,8	2690	30,8

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 91,7 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 52,3 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари, 21,8 фоизи хусусий корхоналар, 0,4 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 фоизи акциядорлик жамиятлари, 17,1 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 октябрь ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йил январь-сентябрда жами 2014 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 689 та). Уларнинг асосий қисми Хатирчи (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 36,1 фоизи), Навбаҳор (17,4 фоиз), Қизилтепа (13,8 фоиз), Навоий шаҳар (12,8 фоиз) Кармана (10,7 фоиз), ва Нурота (3,4 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 71,3 фоизи кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 7,5 фоизи саноат ва 7,0 фоизи савдо соҳаларига тўғри келади. Шунингдек, ҳисобот даврида 921 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.

